

(Давоми. Боши 1-бетда).

дорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверди. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолиятини, шу жумладан, унинг куч шилувчи тузилмалари фаолиятини устидан ҳам жамият назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ», дея ўз мулоҳазасини билдирган эди. Бу фикрлар ҳаётда, олиб борилаётган ислохотларда ўз инъикосини топганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қатор қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат бошқарувини демократлаштириш ва жамиятнинг барча жаҳасини модернизация қилишга қаратилган ислохотлар ўтказилгани, ҳусусан, жамоат таъкилотлари нуфузи оширилгани, давлат бошқарув идоралари сони кескин камайирилгани, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг вақолатлар берилгани коррупциянинг чуқур илдиз отишига тўғриватди. Эро, собиқ шўро даврида ҳар қандам битта давлат идораси ташкил этилиб, фуқароларнинг бутун фаолияти қозғообозликка битмас даражага етгани. Бозор иқтисодиётига

изчиллик билан ўтилиши баробарида мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчилар, фермерлар фаолиятига тўғриватди.

лари ижроси юзасидан олиб бораётган назоратлари, тахлиллари, ўтказётган ташқи аудитлари — барчаси халқ пулини мақсадли сарфлашга хизмат қилиб, турли ўзлаш-

сийсатчилар бот-бот такрорлашмоқда. Албатта, ўз манфаатини ўйлаган айрим шахсларнинг мана шундай қабихликка қўл ураётганини инкор этиб бўлмайди. Бу бо-

қондалар акс этган, — дейди сенатор. — Чунки, Конвенциянинг 6-моддаси 3-бандида белгиланган қоидага мувофиқ, бошқа иштирокчи давлатларга

Мазкур ҳужжат қоидалари коррупциянинг олдини олиш, текшириш, тергов ва жиноий таъқиб қилиш, шунингдек, қамоққа олиш, мусодара этиш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қайтариш билан боғлиқ фаолиятга нисбатан қўлланилади. Ушбу Конвенция ўзaro ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топширишни тартибга солиди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан борар эканмиз, мана шундай масалаларни ҳал этишда ҳам айнан қонун устуворлигини таъминлаш ва уларни рўйбга чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, юқори палата аъзолари томонидан маъқулланган "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга таътиқ этилиши бу борадаги қонунчиликнинг тақомиллаштиришига, айни масалада халқро ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, жамиятимизда порахўрликнинг илдиз отишига барҳам бериб, одамларда унга қарши курашишда шижоатни рағбатлантиради.

Кобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

тўғри аралашилар кескин қисқарди. Турли текширишларга руҳсат берувчи 12 та процедура бекор қилинди. Айнан юридик субъектлар фаолиятини текширишлар сони уч баробарга камайгани ҳам коррупция ва бюрократизмга барҳам бериш борасида олиб борилган ишлар салмоғини кўрсатади.

Қонун устуворлиги таъминлангани, соддароқ қилиб айтганда, қонун олдида барчанинг баробарлиги олиқ принципларида жамиятнинг ҳамма жаҳасида ўз ақсини топгани ҳам порахўрликнинг кўпайишига, жамиятда кенг ёйилишига йўл қўймади. Бу таъминлаш бўйсунмаган, қонунни менсимганлар эса, айнан шу қонунлар билан жазога маҳкум этилди, суробга тортилди.

Хисоб палатасининг ташкил этилиши ва унинг Давлат бюджети ҳаражат-

тириш ва бошқа ҳолатларнинг камайишига олиб келди. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз раҳнамолигида коррупцияга қарши аниқ

рада аҳолининг юксак ҳуқуқий онги катта аҳамият касб этади. Эро, одамлар ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини билса ва энг муҳими, уни талаб этишга қодир бўлса,

коррупциянинг олдини олиш борасида аниқ чоралар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмак берувчи органлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги белгиланмоқда. Конвенциянинг 42-моддасига биноан, ҳар бир давлат жиноят бўйича ўз юрисдикциясини белгилаши лозим.

Шу билан бирга, Конвенцияга қўшилиш амалдаги жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида қандай тамойилларни, талабларни илгари суради? Бу ҳусусда мазкур ҳужжатга қўшилиш ҳақидаги Қонун муҳокамасида иштирок этган Сенат аъзоси Суройё Одилўжаевага мурожаат этдик.

— Бугунги кунда 104 та, давлат аъзо бўлган ушбу Конвенцияда коррупцияга қарши курашиш бўйича

Сенатда маъқулланган

чора-тадбирлар кўриляпти, бу борада халқро ҳамжамият билан алоқалар ўрнатилмоқда.

Коррупцияга қарши конвенцияга мамлакатимизнинг қўшилиши ҳам юқорида таъкидланган ишларга ҳамоҳангдир. Бу давлатимизнинг ушбу халқро ҳужжатга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини кучайтириб, порахўрликка қарши нафақат миллий, балки глобал даражада баҳамжихат курашишга замин яратяди. Эро, глобаллашув шароитида халқро коррупция вужудга келганини ҳам олимлар, ҳам

ҳар қандай порахўрни чекинтира олиши турган гап. Амалиётда мана шундай масалалар борлиги ҳам Конвенциянинг аҳамиятини нечоғли катта эканлигини тасдиқлайди.

Хўш, Конвенция мазкур иллатга қарши курашишда қандай тамойилларни, талабларни илгари суради? Бу ҳусусда мазкур ҳужжатга қўшилиш ҳақидаги Қонун муҳокамасида иштирок этган Сенат аъзоси Суройё Одилўжаевага мурожаат этдик.

— Бугунги кунда 104 та, давлат аъзо бўлган ушбу Конвенцияда коррупцияга қарши курашиш бўйича

Қарши туманидаги «Қаршиев Т. Т.» муқобил техника парки хизмат кўрсатадиган ҳудудда 160 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Бу хўжаликларнинг қарий етмиш фоизига ёшлар раҳбарлик қилади.

ЁШ ФЕРМЕРЛАР ШИЖОАТИ


Улардан бири — Суннатилло Шеркулов. Ёш фермернинг жамоаси 36 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Жорий йилда 20 гектар ерда парваришланган галланинг ҳар гектаридан 65 центнердан дон йиғиштириб олади. Айни кунларда 16 гектар майдонда гўза парваришланмоқда.

Суннатиллонинг даласига туташ ерда яна бир ёш фермер — Истам Ботиров деҳқончилик қилади. Икки фермер ҳам маслакдош, ҳам муСОБАҚДОШ.

— Мавжуд 15 гектар майдонимизнинг барчасида гўза парваришляяпмиз, — дейди Истам Ботиров. — Ривож беравж, гектаридан камида 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз.

СУРАТДА: фермер Истам Ботиров.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.



НАМУНАЛИ ТОМОРҚА ЭГАСИ АНИҚЛАНАДИ

Тошкент вилоятида шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга, аҳолига зарур миқдорда уруғлик, қўчат, чорва моллари, парранда ва ем-хашак етказиб беришга жиддий эътибор қаратиляпти.

Яқинда бу борада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Хонадонларга қарашли ерларда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш орқали аҳолининг, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида «Намунали томорқа эгаси» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилинди. Шунга кўра, мутаассадилар ҳамкорлигида махсус низоом ишлаб чиқилди. Танлов бешта номинация бўйича сабаботчилик, бог-

Танлов

оққоқоллари ўртасида алоҳида-алоҳида ўтказилади. Кишлоқ, туман ва шаҳар миқёсидаги беллашулар голиблари вилоят бошқичида куч синашадилар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарзандингизнинг қандай ўйинчоқ ўйнаётганига қараб, унинг қизиқишини, феъл-атворини билиб олиш мумкин экан. Шу боис мутахассислар ота-оналарга боланинг дунё қарашини ўстирадиган, руҳини ва соғлигига безарар ўйинчоқлар олиб беришни тавсия қилишади. Чунки болани барибир бола-да. Ута берилувчан бўлиб, ўйинчоқни беҳтиёр оғзига солиши мумкин.

СИФАТСИЗ ЎЙИНЧОҚ

у нафақат чўнтагингизга, фарзандингиз соғлигига ҳам зарар

Ички бозорда сифатсиз ўйинчоқлар савдосининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббус билан тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида махсус ишчи гуруҳлари иш олиб бормоқда. Кўриляётган чора-тадбирларга қарамай, айрим қонунбузарлар томонидан мамлакатимизга айланма йўллар орқали сифатсиз, инсон саломатлигига хавф туядувчи ўйинчоқлар келтириш ҳолатлари учраб турибди.

Назорат

Аниқланишича, республикамиз бозорларида сотилаётган болалар ўйинчоқларининг 70 фоиздан ортиги Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган экан. Уларга тегишли ҳужжатлар — ҳисоб-фактуралар, олди-сотида шартномалари, гигиена ва мувофиқлик сертификатлари, давлат тилидаги ёриқларни сўралганда, аксарият сотувчилар тасдиқ этиш олашади. Ҳужжатсизми? Демак, сифатсиз. Унинг бола соғлигига салбий таъсир кўрсатмаслигига ҳеч ким қаролат бера олмайдми.

Шу ўринда эътиборингизни қуйидаги рақамларга қаратасиз. Давлат божхона қўмитаси маълумотларида келтирилишича, 2007 йили 250 ҳолатда ноқонуний йўллар орқали 82,5 миллион сўмлик 370196 донга ўйинчоқ олиб кириляётганда ушлаб қолинган. Ушбу ҳолатлар бўйича 4 та жиноий ва 246 та маъмурий иш кўзга тилинди. 2008 йилнинг биринчи чораги давомида эса 34 ҳолатда 17,9 миллион сўмлик 60722 донга ўйинчоқ ушлаб қолиниб, ушбу ҳолат-

лар бўйича 1 та жиноий ва 33 та маъмурий иш кўзга тилинди. Бундай кингир йўллар орқали олиб келинган ўйинчоқлар аҳоли ўртасида, асосан, «Отчолар» ва «Уризор» деб аталадиган Тошкент шаҳридаги бозорларда сотилаётганлиги кузатилмоқда. Уларнинг айримларидан олинган намуналар республика СЭН маркази лабораторияси текширувидан ўтказилганда, белгиланган сифат талабларига жавоб берамади. Масалан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган Хуссий тadbиркор К. Салихов томонидан тегишли сертификатсиз сотилаётган умумий қиймати 121 миң сўмлик ўйинчоқларни шулар сирасига кири-тиш мумкин. Бу маълумотлар турман ДСИ томонидан олиб қўйилиб, йўқ қилинди. Тадбиркор Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан, олиб қўйилган товариинг 100 фоизи миқдорида жаримага тортилди. Шунингдек, М. Улўбек туманидаги «Карима ойи» хусусий корхонаси, Нукус шаҳрида жойлашган «Нукус орайлик бозори» да фаолият юритиб келаётган хусусий тadbиркор Г. Нурибаева фаолиятида ҳам ана шундай кингирликлар аниқланди. Қонунбузурларга тегишли тартибда чоралар қўрилади. Аммо масаланинг бошқа жиҳати кишини ўйлантиради. Бундай моллар назорат органларининг эътиборсизлигини ёки бошқа сабабларни, фарзандларимиз қўлига тушганда нима бўларди? Уларнинг соғлигига путур етказмасмиди? Наҳот пул, бойлик илжияди ўз фарзандларимизга ёмонлики раво кўрсак?

Қўмага Ахборот хизмати.

ҒАРАЗ НИЯТЛИЛАР МАҚСАДИГА ЕТОЛМАЙДИ

Миссионерлардан огоҳ бўлинг!

Юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлар ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга доир ишлар ўз самараларини бермоқда.

Халқимизга хос бўлган ҳамжихатлик ва баргиронлик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби фазилятлар янада ёрқин намойиш бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва фаровонликнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис соғлом маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашнинг аҳамияти беқиёс. Биз учун мутлақо ёт гоилар, оқимлар ва турли иллатларнинг кириб келишига йўл қўймаслик, ҳали оқ-қорани яқин ажрата олмайдиган навиҳоний фарзандларимизнинг юксак маънавият ва салохият соҳиб бўлишини таъминлаш истиқболимизни ҳумолаш демакдир.

Юртимиз ҳудудида диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм тарғиб қилувчи адабиётлар ва бошқа воситалар кириб келишининг олдини олиш борасида божоначиларимиз томонидан кўриляётган чора-тадбирларда ана шундай ғараз ниятили кимсаларнинг қилмишлари фoш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, божоначиларимиз томонидан 2007 йилда элчиқа яқин ана шундай ҳолат аниқланди, қарий олти миң донга яқин, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 33 ҳолатда 654 донга турли кўриниш, шакл ва мазмундаги таъжирланган диний адабиётлар ушлаб қолинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига кўра, мамлакатимизда ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Конституцияимизда ҳамма учун виждон эркинлиги қаролатилган. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Мисолларга мурожаат этадиган

ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАДИ



Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг ўзи бир маҳобатли санъат асари, меъморчилик дурдонаси! Ўтган асрнинг 30-йилларида қурилган консерваториянинг одамлар шаҳардан сурштириб, зўрга излаб топишган бўлса, бугунги консерватория пойтахтимизнинг энг зиёратгоҳ, пойтахтга келган ватандошларимиз ҳамда хорижий меҳмонлар, сайёҳлар, албатта, махсус ташриф этиб, мириқиб томоша қиладиган манзилга айланди. Консерватория — бугунги Тошкент тимсоли ва унинг кўркі, фаҳри.

Янги консерватория биноси эскисидан фақат меъморлик-ландшафт кўриниши билангина фарқ қилмайди. Унинг янада муҳим бир ўзгачалиги шундаки, бугун Ўзбекистон Давлат консерваторияси, махсус ва атайин, мусиқа санъати талаб ва эътиёжларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилган қошона. Энг замонавий ускуналар, жиҳозлар ва чолгулар билан таъминланган, 4 та (Катта, Кичик, Орган ва Камер) концерт залларига эга. Консерватория ҳузурда «Миллий чолғу» музейи ташкил этилди, Итти-сослаштирилган илмий-тадқиқот маркази очилди, «Мусиқа» нашриёти, фонотека, 4 та спорт зали устозлар ва талабалар ик-тиёрида.

Мусиқа олий ўқув юртида 6 та факультет, 24 та кафедрани номлари республикамиздагина эмас, балки жаҳон мусиқа оламида ҳам таниқли қўлига ус-тозлар ва мураббийлар меҳнат қилмоқда. Мустақиллик йилларида консерваторияда Евро-па классик мусиқа йўналишла-

ри билан бир қаторда кенг миқёсда ўзбек миллий мумтоз ва халқ ижрочилиги, эстрада хонандалиги ҳамда эстрада чолғу ижрочилиги, мусиқий овоз режиссёрлиги каби мутахассисликлар бўйича юқори малакали таълим-тарбия олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошида Иқтидорли болалар академик лицейи ҳам ташкил этилган. Унда ҳозирги кунда 1000 дан зиёд саралаб қабул қилинган ўқувчилар сабоқ олмақда.

Консерваторияда ўқув жараёни билан бир қаторда ижодий-иҷрочилик фаолиятини кенг йўлга қўйилган. Бу ерда йилга 300 дан зиёд концертлар тайёрланмоқда. Улар республика миқёсидаги турли ижодий уюшмалар, халқро жангармалар, элчионалар билан ҳамкорликда ташкил этиляпти. Ушбу концертларда, жумладан, консерваториянинг фаҳрига айланган алоҳида иқтидорли талабалар, республика ва халқро танлов совриндорлари ҳам фаол иштирок этиб, мусиқа санъатимиз камолини кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси республикамиз мусиқа санъатининг ҳароратли уюғи ва юқори малакали кадрларни етиштириб келаётган нуфузли таълим-тарбия даргоҳидир. Бундай марказда вояга етаётган иқтидор эгалари, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон мусиқа санъатининг халқимиз орасида ва жаҳон миқёсидаги юксак мақомини янада сарбаланд эти-шига ишончимиз комил.

Милли САФАРОВ.

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва таклифларига жиддий эътибор билан ёндашуви асосий вазифаларимиздан, деб биламиз. Шу боис, анжуман очиб ва эркин мулоқот тарзида ташкиллаштирилиб, савол-жавоб ва баҳс-мунозарарга кенг ўрин ажратилган.

Ўқув маркази ташкил этилгандан буён ўтган тўрт йил давомида бу ерда тўрт миң нафарга яқин тингловчи малака оширди. Шу вақт мобайнида яратилган 11 та энг замонавий ўқув дастури асосида юксак ва самарали ўқитиш тизими йўлга қўйилганиги бошқарув соҳасида малакали кадрлар кўпайишига туртки бўлмоқда. Корпоратив бошқарув маркази АКШ савдо палатаси, Япониянинг JICA агентлиги каби бизнес соҳасида юқори салоҳиятли ташкилотлар билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ушбу ташкилотларнинг малакали мутахассислари тингловчиларни бизнес ва бошқарув тармоғидаги янгича иш услуби ва тажрибалар билан таништиришга муносиб хисса қўшаётди.

Кўргазмали семинарда "Инкирозга қарши бошқарув тизими", "Бухгалтерия фаолиятини тақомиллаштириш", "Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизими. Меҳнатни ташкил этиш", "Қорхона хўжалик фаолиятини бизнес-режалаштириш" сингари янгича ўқув дастурларининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ролар М. Турдиев, А. Локшев ва Д. Тошматов миссионерлик руҳи билан сугорилган 70 донга турли мазмундаги адабиётлар, анчагина миқдордаги аудио, видеотасма ва DVD дисклари, шунингдек, икки донга "IBM" русумли ноутбукни ноқонуний равишда олиб кетаётганликлари ошқор бўлди.

Хориждан бундай "қўланма"ларни қабул қилиб олаётган кимсаларнинг мақсади нималигини англаш қийин эмас: текин даромад эвазига виждонини сотиш ва ўзгаларни ҳам бундай қулфатга грифтор қилиш. Хориждан туриб, зимдан иш кўраётган қора кўчаларнинг нияти — тинч, фаровон ҳаёт кечириб, катта ораму-максалларни қўлаб бунёдкорлик ишлари билан банд халқимизни, айниқса, ёшларни чаплатиш, йўлдан оздириш. Аммо тарихий илдиэлари бақувват, имон-этиқоиди, маънавияти мустаҳкам халққа, мийлагта ҳеч қандай куч бас кела олмайдми. Ниҳти бузуқларнинг эса юрдиқори фoш бўлиши таъин.


Бу гап ҳам шундай бўлди — айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилдилар.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Жиноятчиликка қарши усул

АҚШ полицияси жиноятчиликка қарши курашнинг янги ва қулай усулини йўлга қўйди.



Хабарларга кўра, эндиликда фуқаролар полицияга телефон орқали кўнгирок қилиб эмас, балки, "SMS" орқали хабар жўнашиб, воқеа ҳақида маълумот беришлари мумкин.

Бундай усулда ахборот бериш полициячилар учун ҳам самарали бўляпти. Масалан, ўтган йилда Бостон полицияси фуқаролардан 678 та "SMS" хабар олиб, ахсарият ҳолларда хавфсизлики таъминлай олган.

Кема гарқ бўлди

Мьянмадаги Иравади дарёсида йўловчиларни олиб кетаётган кема чўкиб кетди.

"Ассошиэтед пресс" хабарига айтилишича, ҳалокат оқибатида 38 нафар йўловчи ҳалок бўлган. 44 нафар йўловчи қутқариб олинган.

Айни пайтда мамлакат полицияси ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.



Аниқлай олмаяпти

Ўтган йил декабрь ойида Покистонда Халқ партияси етакчиси Беназир Бхутто суиқасд қурбони бўлганди.



АҚШнинг "Los Angeles Times" нашрида кайд этилишича, Покистон ҳукумати ханузгача суиқасд ортида қимлар турганини аниқлай олмаяпти.

Фойдаланувчилар сони ошди

Инсониятнинг кўпгина юмушларини техника бажармоқда. Мобил телефонни ҳам шулар жумласидандир.

"France Press" ахборот агентлигининг хабар беришича, бугунги кунда Хитойда 592 миллион киши уяли алоқа воситасидан фойдаланмоқда. Бу мамлакат аҳолисининг деярли ярми дегандир. Маълумотларда келтирилишича, айни пайтга келиб Хитой аҳолиси 1,3 миллиард кишига етган.

Фавқулодда вазият

Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда полиция ва муҳолифат вакиллари ўртасида жиддий тўқнашув содир бўлди.

Мамлакат телерадиокомпанияси тарқатган хабарда айтилишича, тўрт киши ҳалок бўлган. Низоли бартараф этишда иштирок этган ҳуқуқтартибот идоралари ходимларидан 400 нафари жароҳат олган.



Муҳолифатчиларнинг фикрича, овозларни ҳисоблаш қалбакилаштирилган.

Мамлакатда фавқулодда вазият эълон қилинди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.


— Ўтган йили ишга туширилган Кўнгирот сода заводига малакали мутахассислар етказиб бериш мақсадида коллежимизда махсус ўқув курслари ташкил этилган эди, — дейди Кўнгирот саноат-транспорт касб-хунар коллежи директори Амет Уринбоев. — Ҳозиргача назорат ўлчов асбоблари бошқарувчиси, насос қурilmалари устаси, электр пайвандловчи 560 дан зиёд мутахассис-кадрларни тайёрлаб чиқардик.

Тошкент кимё-технология институтининг сода заводи қошидаги бўлимда таълим олаётган талабаларнинг аксарияти ҳам асосан бизнинг коллежимизни битирган ёшлар. Кечаги қишлоқ болалари бугун қудратли заводларда замонавий машиналар билан тиллаша олаётгани кишини ҳайратга чулғайди...

Дарҳақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири — ёшларимизнинг замонавий касб-хунар эгалари этиб тарбиялашдир. Бу йўлда юртимизда бемисл ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўларок, биргина Кўнгирот саноат-транспорт касб-хунар коллежида бир қанча янги мутахассисликлар очилдики, бу ушбу билим юрти нуфузини, ҳусусан, коллежда билим олишга ҳавас қиладиган ёшлар сонини оширмоқда. Айни пайтда коллежда нефть-газ қудуқларидан фойдаланиш, бургулаш, нефть ва газни ташиш, сақлаш, темир йўл тизими мутахассислари, тикувчилик моделери, кимё-технология соҳаси каби йўналишларда ёшлар иштиёқ билан билим олишмоқда.

Коллежда туман халқ таълими бўлими билан биргаликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар негизда «Очиқ эшиклар кўни» тез-тез ўтказилади. Бу эса мактабларнинг 9-синф битирувчиларининг коллежга қам-

КОРХОНАНИНГ БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРИ



раб олинишида муҳим омил бўлмоқда.

— Ҳозирги кунда коллежимизда 16 мутахассислик бўйича 1666 ўқувчи таълим олаётган бўлса, 2007-2008 ўқув йилида 13 мутахассислик бўйича 468 ўқувчи битказлади, — дейди А. Уринбоев. — Уларни иш билан таъминлаш масаласи доимо эътиборимизда. Бир неча бор туман бандликка кўмаклашув маркази билан биргаликда иш ўринлари ярмаркаси ўтказилгани ҳам яхши асар берди.

Коллеж ёшлари орасида «Сиз ҳуқуқни биласизми?», «Қувноқлар ва зукколар», «Китобхонлар», «Шунқорлар», «Дўппи тик-

дим ипаклари тиллодан» каби қўриқ-танловларнинг мунтазам ўтказилаётгани катта аҳамият касб этмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларида коллеж ўқувчилари Виктор Гусев, Беғали Нурмағамбетов баскетбол бўйича олтин, Давлатмурат Ўтеғенов эса миллий кураш бўйича бронза медаллари ҳаётида катта воқеа бўлди. Бундан ташқари, енгил атлетикачи Наргиза Аралбоева, теннисчи Лита Умбеталиева, Омонгул Бердибоевалар совринли ўринларни олишиб, доимо коллеж шарафини муносиб ҳимоя қилиб

келишадигани тенгдошларини ҳам руҳлантирмоқда.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш яхши йўлга қўйилганлиги сабабли коллежда аълочилар сафи янада кенгаймоқда. Ўқитувчилардан Гавҳар Мад-

Интилиш

Билим юртининг ўқув хоналари энг замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, шу жиҳатдан ҳам ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимлари мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, Германиядан келтирилган «Зингер» тикув машиналари, компьютерда бошқариладиган токарлик дастгоҳлари, ҳаракатланувчи автомобиль макети ўрнатилган ўқув хоналари ёшларнинг касб-хунар эгаллашга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Бугунги кунда инсон ҳаётини компьютер, интернет, видео, аудио сингари техника воситаларисиз тасаввур қилиш мушкул. Мана шу ҳаётини заруратдан келиб чиқиб, коллежда 30 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган Ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Бу ерда электрон кутубхона, талабаларга ва туман аҳолисига мўлжалланган 50 ўринли ўқув зали ишлаб турибди. Ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. Бу дарсларни компьютерлаштирилган усулда ўтиш, бир сўз билан айтганда, таълим сифатини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Қизиқувчан ва ҳаракатчан, замон талабларини тез ўзлаштири олувчи бугунги ёшларнинг интилишларини керакли йўналишга солиш ўқитувчи-мураббий зиммасида энг масъулиятли вазифадир. Кўнгирот саноат транспорт касб-хунар коллежи ўқитувчилари жамоаси бу вазифани шараф билан амалга оширмоқдалар. Токи, бейшадиди улар, Президентимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишин!

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ДИҚҚАТ АУКЦИОН!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! «RES PUBLIKA MULK-AUKSIONI» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

сизларни Наманган вилояти хўжалик судининг 2007 йил 3 августдаги 16-0604-7928-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, Уйчи тумани, Амир Темуր кўчаси, 1-уйда жойлашган «Уйчи йигирув-тўқув» ОАЖ тугатиш бошқаруви билан ҳамкорликда аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия иштирокида бошланғич баҳоси юқорилаб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдолари 2008 йилнинг 22, 29 июль, 5, 19 август ва 2, 16, 30 сентябрь кунлари соат 11.00 да «Respublika Mulk-Auksioni» ДУК Наманган вилояти филиалининг савдолар залида ўтказилади. Банкрот «Уйчи йигирув-тўқув» ОАЖ кредиторларининг 2008 йил 5 июндаги 6-сонли йиғилиш қарорига асосан жамият тугатиш бошқарувчиси Р.Усманов томонидан жамиятга қарашли мол-мулклар муҳассас холда 3 241 939 376 (уч миллиард икки юз қирқ бир миллион тўққиз юз ўттиз тўққиз миң юз уч етмиш олти) сўм бошланғич баҳода иш жойларини сақлаб қолиш ва сармоя киритиш шарт билан аукцион савдоларига қўйилади.

Аризалар ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қўйидаги манзилда қабул қилинади: Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, вилоят давлат мулки бошқармаси биноси, 1-қават, 15-хона.

Аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

ИМКОНЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ, АЗИЗЛАР!

Қўшимча маълумотлар учун манзиллар:

- Савдо ташкилотчиси — «Respublika Mulk-Auksioni» ДУК Наманган вилояти филиали, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, вилоят давлат мулки бошқармаси биноси, 1-қават, 15-хона. Телефонлар: (8-369) 223-04-01, 226-41-66.
• Сотувчи — «Уйчи йигирув-тўқув» ОАЖ тугатиш бошқаруви, Уйчи тумани, Амир Темуր кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (8-369) 233-48-76, 233-64-64.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига тақдоран Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 2 февралдаги 10-0719/16200-сонли ҳал қилув қарорига асосан, «НОВАС-ТАПО» ҚК тугатиш бошқарувчиси томонидан, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй манзилида жойлашган «НОВАС-ТАПО» ҚКнинг мулкий мажмуаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 120,0 млрд. (бир юз йигирма миллиард) сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 24 июль кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулкий мажмуа 24 июль кун соат 11.00 да тақдирда, тақдирдор аукцион савдоси 31 июль кун соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотека» банки Собир Раҳимов филиалидаги МФО 00901, ИНН 200933850, 2021000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

II. Шунингдек, 2008 йил 29 июль кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:

- ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2008 йил 18 февралдаги 1-983/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган «Mitsubishi 3000GT» русумли, давлат рақами 10Н0933 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 52 000 000 сўм.
- ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2007 йил 13 декабрдаги 1-22521/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган, «Jeep Land Rover» русумли, давлат рақами йўқ, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 80 309 136 сўм 97 тиий.

Маъжур автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган холда РКМБнинг АТИБ «Ипотека» банки Собир Раҳимов филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М. Ҳўрзоев к., 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ушбу жойда Сизнинг рекламangиз бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлаймиз! Сизни қўлидаги маълумот асосида. Тошкент ш., Марғуловчор к., 31-йўл, 242-сон. Тел.: 236-09-25, 233-10-43. E-mail: xsk_suzi@rambler.lv

Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари истеъмолчи саломатлиги учун ўта хавфлидир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча, таркибида зарарли, захарланган ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиги оғирлашса ёки улимга олиб келса, у холда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўнгги йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда. Ҳусусан, «Ринза» савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар фикринизга ёрқин далилдир.

2006 йилда «Ринза» таблеткалари № 10» дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йил-

нинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган «Ринза» таблеткаларининг умумий сони 9 тами ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритилувчи қуқун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фож этилди.

Қўйида қалбакилаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилмоқда: «Ринза» таблеткаси №10», серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013. «Ринза» таблеткаси №4», серияси 010807 «Ринза СИП» эритилувчи қуқун 5 граммли пакетчаларда, №5 серияда - L6137, B-6130.

Эсингизда тутинг! Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари кутилган самарани бермайди ва у соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча нохушликлар учун дорихона муассасаси раҳбари

жавобгардир. Дорихоналарда «Ринза» дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификатга тўғрисидаги маълумот, шунингдек, касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қўлида кўрсатилган препарат серияси мувофиқ сертификатда кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўриг.

Агарда «Ринза» препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки «Ринза» қўлида, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситасини гринп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал «Ринза» препаратига беғул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66

Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!

SONATA Ўз йўлингизни танла! Drive your way. КАФОЛАТ — 2 йил. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. EURO2008 HYPONAI Official Partner Tel. 250-11-11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлигисининг Бердақ номлидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри бош раҳбари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ раҳбари, Бердақ номидаги давлат муҳофизоти лауреати Исом АЛИБЕКОВнинг вафот этганини муносибати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. «O'zbekistonpolimegavdo» акциядорлик жамияти жамоаси жамият кузатув кенашини раиси Абдуманнон Маҳдумовга акаси Абдумовлар МИРМАҲМУДОВнинг вафоти муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент Архитектура қурилиш институти жамоаси маркетинг хизмати бўлими бошлиғи Раҳимовбек КАРИМБЕКОВнинг вафоти муносибати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Хитойда бўладиган ХХІХ ёзи Олимпиада ўйинларида етти нафар боксчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Қувончлиси, йигитларимиз йўлланмалар сони бўйича, Россия, АҚШ, Куба мамлакатлари вакиллари каби кучли ўнликдан жой олишган. Мутахассислар ҳам Олимп чўққиси сари айнан кучли ўнликка кирган мамлакатлар боксчилари кураш олиб боришини таъкидлашмоқда. Йўлланма соҳиблари орасида андижонлик Баҳодир Султонов ҳам бор. Қарама-қарши учун бу биринчи Олимпиада ўйинлари эмас. У 19 ёшида Афинада бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида бронза медалини қўлга киритган эди.

Баҳодир боксдаги илк сабоқни отаси Маъруфжон акадан олди. У ўшанда андижонда етти ёшга тўлган эди. Кейинчалик тажрибали мураббий Алишер Абдуллаев қўли остида машғулотларга қатнаш бошлади. Ўз меҳнати, устози ўғитлари эвазига ёшларидан сезиларли муваффақиятларга эришди. 2001 йили Боксда

ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Баҳодир биринчи катта ютуғига эришди. Ўз вази тоифасида барча рақибларини энгил, олтин медални қўлга киритди. Бир йилдан сўнг ўсмирлар ўртасидаги жаҳон кубогидан олтин медал билан қайтди. 2003 йилда эса, катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам учинчи ўринни эгаллади.

Қарангки, бугун 57 килограмм вази тоифасида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳонда ҳам етакчи боксчи айланган Баҳодирнинг ҳозиргидаги рингда 150 та жанг ўтказди. Унинг ўнг қўли берадиган зарбалари ҳар қандай рақибни қийин аҳволга соли қўяётгани ҳам бор гап. — Афина Олимпиадасида мена бироз тажриба етишмади, — дейди Баҳодир — Ярим финалда рақибимга очколар ҳисобига имкониятни бой бериб қўйдим. Ҳозир ҳаммаси бошқача. Ўз вази тоифадаги асосий рақибларимни яхши ўрганиб олдим. Булар — Россия, Куба, Мексика давлати вакиллари ҳисобланади. Яқинда Халқаро ҳаваскор боксчилар

уюшмаси (АИВА) президенти кунобоғи учун ушатирилган беллашувада Олимпиадада бўлажак рақибим (Мексика) билан рингга чиқиб қалаба қозондим.

— Баҳодирнинг ўнг қўли берадиган кучли зарбалари ҳисобига кўп жанглари мuddатидан олдин яқунлаганига гувоҳ бўлганман, — дейди Олимпиада ўйинлари иштирокчиси Тўлашбой Доғиёров. — Рингга ҳар бир боксчи албатта, қалаба қозонаман, деб тушади. Бир сўз билан айтганда, боксда қўрқоқлар бўлмайди. Лекин, фақат куч билан ҳамма нарсага эришиб бўлмайди. Тўғри қарор қабул қилган, ўз эхтиросини жилволай олган боксчиларгина муваффақиятга эришади. Шу жиҳатдан қараганда, Баҳодирнинг ўзини тўта олиши, тезкор зарбалари, кучли рақибларини довлдиратиб қўйиши мени қувонтиради. Баҳодир 2004 йилнинг январь

ойини ўзгача эҳтиром билан эслайди. Ушанда у Филиппинда ўтказилган Олимпиада ўйинларида йўлланма берувчи Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, Олимпиада ўйинлари йўлланмаси ва Осиё чемпионлигини қўлга киритган эди. Баҳодирни Тошкент халқаро аэропортида кутиб олиш жараёнида отаси Маъруфжон ака гурур ва қувончини яширолмаганди. "Менинг уч қиз, бир ўғлим бор. Ўзим ҳам вақтида бокс билан шуғулланганман. Шунинг учун Баҳодирнинг юксак натижаларга эришишини доимо орзу қилардим. Шўқри, ўғлим юзимни ерга қаратмади. Уйга қайтгач, унинг қалабаси шарафига эл-юртга, маҳалладошларимга қўй сўйиб, тўй қилиб бермоқчиман".

Мана, ўшандан буён Баҳодир

нафақат маҳалласини, балки бутун Ўзбекистонликларни қалабалари билан хушнуд этиб келмоқда. Бу вақт ичида Маъруфжон ака маҳалладошларига қўлаб тўйлар қилиб берди.

Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Шароф Худойбердиевнинг таъкидлашича, ҳозир Баҳодир яхши спорт формасида. Ўқув-йигин машғулотларида фаол иштирок этиб келаяпти. Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинларида ҳам муваффақиятга эришишига тилакдоримиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Мирали ҳам Пекинга боради

Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи талабаси Мирали Шарипов ёш бўлишига қарамай, спортнинг ўзи шуғулланаётган дзюдо тури бўйича катта муваффақиятларга эришди.

Сўнгги йилларда Франция ва Москвада ўтказилган турли беллашуларда, Доха шаҳридаги Осиё ўйинларида, Япониядаги "Кадакан" халқаро турнирида фаол иштирок этди. Шунингдек, Санта-Дамингодаги жаҳон биринчилигида ёшлар терма жамоаси сафида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Кореяда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида эса яқинда Пекинда бўладиган ёзи Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритди.

Айни кезларда Мирали устози Селвер Клаверич ҳазратларида Хитойда бўлажак мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

А. ХАЙДАРОВ.



Қатар пойтахти Доха шаҳрида 2011 йили бўлиб ўтадиган футбол бўйича Осиё Кубоғининг саралаш баҳсларига қўрға ташланди.

Олдинда саралаш баҳслари

«Aspire Dome» меҳмонхонасида ташкил этилган тадбирда саралаш боксчида иштирок этадиган терма жамоаларнинг мутасаддилари иштирок этишди. Унда 20 терма жамоа беш гуруҳга қуйидагича тақсимланди:

- «А» гуруҳи: Япония, Бахрайн, Гонконг, Яман;
- «В» гуруҳи: Австралия, Индонезия, Уммон, Кувейт;
- «С» гуруҳи: Ўзбекистон, БАА, Малайзия, Ҳиндистон;
- «D» гуруҳи: Вьетнам, Хитой, Сурия, Ливан;
- «Е» гуруҳи: Эрон, Таиланд, Иордания, Сингапур.

Мухлисларга яхши маълум, Осиё Кубоғи финал боксчида 16 терма жамоа иштирок этади. ОФКнинг янги қарорига қўра, 16 жамоадан 4 таси ҳозирданок маълум. Булар — мезбон Қатар, 2007 йилги Осиё Кубоғи совриндорлари Ироқ, Саудия Арабистони ва Жанубий Корея терма жамоаларидир. Саралаш боксчи орақали яна ўн терма жамоа мусобақа иштирокчисига айланади. Шунингдек, ОФКнинг 2008 ва 2010 йиллардаги чақирув Кубоғи баҳсларида голбиллини қўлга киритган терма жамоалар ҳам Қатар майдонларида тўп суриш бахтига муяссар бўлади.

Ф. ИБРАГИМОВ тайёрлади.

УЧ ПОГОНА ЮКОРИГА

Халқаро Футбол федерацияси (ФИФА) терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди.

Ахамиятисини, бу сарфари рейтингни Ўзбекистон терма жамоаси ўтган ойга нисбатан уч поғона кўтарилиб, 55-ўриндан жой олди.

Шунингдек, Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) жаҳон клубларининг янги рейтингини маълум қилди. Унга қўра, Тошкентнинг "Қурувчи" жамоаси 110, "Пахтакор" эса 117-ўринда қайд этилган.

О. ТОШТЕМИРОВ тайёрлади.


олишга муваффақ бўлди. Айни пайтда Алекс Фергусон мураббийлигида Руни Европада тўп сураётган ҳар бир футболчи орзу қиладиган мукофотларни қўлга киритмоқда.

Аммо... "Бир кам дунё", деганларидек, Руни ва Англия терма жамоасининг ишлари унча юршмаяпти. Тажрибасиз мураббийлар раҳбарлигида Уэйн ва унинг дўстлари терма жамоалар ўртасидаги йирик мусобақаларда ўзларини кўрсата олишмаяпти. Лекин энди бу борада ҳам Руни ташвишланмасе бўлади. Англия Футбол ассоциацияси айни пайтда италиялик мутахассис Фабио Капеллонни терма жамоага бош мураббий этиб тайинлаган. "Профессор" лақаби мутахассис билан Руни ва Англия терма жамоаси юксак марраларни забт этишни хоҳар бутун англиялик мухлислар индирларидан хоҳлашгангани эри эмас.

Фозилдин АБИЛОВ.

Хитойда бўладиган ХХІХ ёзи Олимпиада ўйинлари ва Паралимпия ўйинлари голли ва совриндорлари 6 минг донга медаллар билан тақдирланади, деб хабар беради РИА "Новости". Шунингдек, меҳмонларга 51 минг донга эсдалик медаллари берилиши ҳам режалаштирилмоқда.

Ғолибларга 6 мингта медал



Куни кеча медаллар шодаси ташкилий қўмита аъзоларига топширилди. Нишонинг олд қисмига юнон маъбудаси Никаннинг тасвири туширилган. Орақали томонда эса Пекин Олимпиадаси рамзи акс эттирилган.

Медалларни тайёрлаш жараёнида 13 килограмм атрофидидаги олтин, 1340 килограмм кумуш, 830 килограмм мисдан фойдаланилди.

Манбаларда маълум қилинишича, жорий йилнинг 8-24 август кунлари бўлиб ўтадиган ёзи Олимпиада ўйинларида ўн ярим минг нафар спортчи иштирок этиши кўтилмоқда.

Мана, ўшандан буён Баҳодир



Яшил майдон юлдузлари

нинг 30 турлик маълумиятисиз сериясига нукта қўйди. Бундан ташқари, Руни ўзқ йиллик тарихга эга бўлган премьер-лигада тўп киритган энг ёш футболчига айланди. Ушанда у 17 ёшга тўлишига беш кун қолганди. Орадан ҳеч қачан вақт ўтмай бу рекорднинг ундан ёшроқ ўйинчи Жеймс Милнер тортиб олди. Бирок Милнер ҳозирча Руничалик машҳурлик шохсупасига кўтарила олганча йўқ.

Бундай иқтидор эгаси "Эвертон" да кўп қолдири мантиска тўғри келмасди. Гранд жамоалардан олдин отни қамчиланган "Манчестер-Юнайтед" Уэйн Руниини ўзиники қилиб

СПОРТНИНГ ОЛАМИ

Сардорга эҳтиром

Мисол учун Испания терма жамоаси сардори ва дарвозабони Икер Касильяснинг ҳамшаҳарлари у туғилган Мостолес шаҳридаги кўчалардан бирини қуйидагича аташ тақлифи билан чиқишган: «Касильясни дунёга келтирган она» кўчаси.

Бу тақлифга минглаб Испания фуқаролари хайрихоҳ эканлигини билдиришган.

Келибдию етибди

Америкалик енгил атлетикачи Тайсон Гей тез эсангн шамол туфайли ўрнатган рекордидан маҳрум этилди.

Шоввоз Тайсон

Мамлакат чемпионати вақтида спортчи 100 метрлик масофани 9,68 сонияда босиб ўта олди. Бу кўрсаткич айнан шу масофа бўйича янги жаҳон рекорди ҳисобланади. (Амалдаги рекорд 9,72 сонияга тенг.)

Лекин... Ҳакамлар бу натижани бекор қилишди. Сабаби спортчи югураётган вақтда шамолнинг эсиш тезлиги со-

ниясига 4,1 метрга тенг бўлган. Халқаро енгил атлетика федерацияси низомида бу 2 метр сифатида қайд этилган. Тайсон бундай ҳолатга тушган биринчи спортчи эмас. 1996 йили Обаделе Томпсон ҳам худди шундай вазиятни бошидан ўтказганди.

Шундай бўлса-да, Тайсон Пекин Олимпиадасида иштирок этади.

«Милан» сотилди

Италиялик машҳур модельер Жоржи Армани «Милан» жамоасининг янги хўжайинига айланди.

Фақат Арманининг «Милан»и баскетбол жамоаси ҳисобланиб, Италия олий дивизионидан иштирок этади. — Жоржи кўп йиллардан буён жамоамизга ишқибозлик ва ҳомишлик қиларди. Энди эса унинг эгаси бўлди. Уйлашимизча, «Милан» ишончли қўлларга ўтди, — дейди жамоа маъмурларидан бири.


ДОПИНГ МОЖАРОЛАРИ

Куни кеча Болгария Олимпия қўмитаси мамлакат оғир атлетика терма жамоасини Олимпиада ўйинларида жўнатолмаслигини маълум қилди. Бу ҳақда РИА "Новости" хабар тарқатди.

Гап шундаки, сўнгги ўтказилган допинг назоратида болгариялик оғир атлетикачилар тақдирланган дорилардан фойдаланган. Энди улар маълум мuddат мусобақаларда иштирок эта олмайди.

Шунингдек, бундай дориларни истеъмол қилганлиги учун саккиз нафар хитойлик спортчи ҳам (икки нафари Олимпиада йўлланмаси соҳиб) мусобақалардан четлатилган. Хитой Антидопинг агентлиги бошлиғи ўринбосари Чжао Цзяньнин айтишича, допинг-тест натижаларини аниқлаш жараёни қийин ва узок давом этади. Шу сабабли допинг истеъмол қилган айрим спортчилар жазосиз қолишдан умид қилишади. Лекин бу билан ўзларини алдашаватганини билишмайди.

Маълумки, ХХІХ ёзи Олимпиада ўйинлари жорий йилнинг 8-24 август кунлари Хитой пойтахти Пекинда бўлиб ўтади. Ташкилотчилар мусобақа даврида допинг назоратини янада қучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Уйинлар пайтида 41 та допинг-назорат станциялари фаолият кўрсатиши кўзда тутилмоқда. Уларга тажрибали мутахассислар жалб қилинади.



Хабарингиз бор, 27 июнь кунин Осиё Футбол конфедерацияси қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида 2010 йил Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати тўртинчи ҳал қилувчи саралаш бокс учрашувларига қўрға ташланди. Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Рауф Инилев билан қўрға натижалари ва кейинги боксчи тайёрларик жараёни ҳақида сўхбатлашдик:

Рауф Инилев: «ГУРУХДА КУЧСИЗ ЖАМОА ЙЎҚ»

— Рауф Талғатович, тўртинчи боксчи қўрға натижалари ҳақида фикрингиз? — Албатта, тўртинчи боксчига йўл олган бирорта жамоани кўрсиз, деб бўлмайди. Гуруҳимиздан жой олган ақсарият жамоалар (Қатар, Бахрайн, Япония) билан (Австралияни ҳисобга олмаганда) илгари майдонга тушганимиз. Барчангизга маълум, дастлаб 6 сентябрь кунин сафарда Қатар терма жамоаси билан биринчи учрашувини ўтказамиз. Кейин 10 сентябрда Австралияни ўз майдонимизда қабул қиламиз. Гуруҳда аутсайдер жамоанинг ўзи йўқ. Ҳамма жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашади. Бу борада шоғирларим ҳам бўш келмайди, деб ўйлайман.

— Демак, ўз олдига катта мақсад қўйган жамоа учун қайси гуруҳдан жой олиши аҳамиятсиз? — Ҳеч ким тақвими ўзи учун алоҳида тўзиб чиқмайди. Агар биз пухта ўйланган режаларимизни амалга ошира оласак, йигитларимиз ҳозиргидай шижоатли ўйинларини давом эттиришса, албатта, жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўламиз. Бунинг учун бир қатор масалаларни ҳал этиш лозим. Бу борада бизга Ўзбекистон Футбол федерацияси яқиндан ёрдам беришига ишонаман.

— Расмий ўйинлар бошлангунга қадар Жанубий Корея ва Хитой термаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказишимиз ҳақида маълумотлар тарқатилаяпти... — Аввало, Жанубий Корея клубларида нечта футболчи терма жамоада ўйнашини санаб чиқиш лозим. Бизда "Пахтакор" ва "Қурувчи"дан 8-9 нафардан футболчи терма жамоага таклиф қилиняпти. Шундай экан, бу жамоалар ўзларининг етакчиларисиз олий лигада ўйнашга рози бўлишмайди. Қолаверса, бирорта клуб ўчта футболчинини терма жамоага берадиган бўлса, ўзин мuddатини ўзгартириши мумкин. Лекин шунга қарамай терма жамоа манфаати учун тақвими яна бир бора қўриб чиқсак, ёмон бўлмасди.

Хайрулла ХОЛИҚОВ сўхбатлашди.

Англия иқтидорли футболчиларга бой мамлакат. Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган футболчи ҳам 17 ёшга тўлмасдан миллионлар ўйини ишқибозлари эътиборига тушишга улгурган. У "Манчестер-Юнайтед" ҳужумчиси Уэйн Рундир.

«ҚИЗИЛ ИБЛИСЛАР» ЮРАГИ

Чақонлиги билан тенгқурларидан ажралиб турадиган қаҳрамонимизни "Эвертон" клуби селекционерни Боб Пендлтон тўп тепайтган кўча болалари ичидан топиб олади. У ўшанда 9 ёшда эди. Шундан сўнг, Руни "Эвертон" футбол мактабида ўқишни бошлади. Мактабда техник жиҳатдан мукамал бўлмасда-да, тез югуриш, тўпни қўли ва аниқ тезда олиш каби қобилиятлари билан тенгдошларидан ажралиб туради.

Унга тўп билан муомала қилишга тўққонлик қилаётгандек туюларди. Аммо мураббийлар бунинг ҳам чорасини топишди. Рунига тўп билан техник тарафлама муомала қилиш санъатини моҳирона ўргатишди. Тўғма истеъдод эгаси тинимсиз тер тўқишлардан сўнг бу борада ҳам ўз малакасини ошириб олди. Натижа тез орада ўзини кўрсатди. Болалар лигасидаги сўнгги мавсумда 99 та гол киритиб, ўзидан каттарок бўлган тенгқурларига ўрнак бўлди. Шубҳасиз, ундаги изланувчанлик, мақсад сари олган интилиш Англия ёшлар терма жамоаси (U-19) мураббийлар штаби эътиборидан четда қолмади. Бу терма жамоа сафида 8 ўйинда 8 гол муаллифи бўлди. Шу пайтгача иккилаби турган "Эвертон" мураббийлари уни жамоанинг асосий тарихига ўтказишди. 2002-2003 йиллардаги мавсумга ҳозирлик қўраётган "Эвертон" "Вайч" клубига қарши назорат учрашувида Руниини асосий тарихига майдонга туширди. Айнан шу ўйинда 3 гол муаллифи бўлган қаҳрамонимиз ўзи ҳақидаги барча шубҳа-ғумонларга чек қўйди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Руни яна бир ўртоқлик ўйинида ўчта гол муаллифи бўлди.

Мана, кўрасиз, бу йигит яқин орада бутун мамлакатга овоза қалади. Унинг учун бу йўлда ҳеч қандай тўсиқ қўрмайман", деган эди ўшанда "Эвертон" маъмурларидан бири Билл Кервайт. Премьер-лигадаги дастлабки учрашувида Руни гарчи гол киритмаган бўлса-да, жамоасини маълумиятдан қутқариб қолди.

2002 йил 19 октябр. Айнан шу сана қаҳрамонимиз ҳаётида янги саҳифаларини очди. "Эвертон" — "Арсенал" учрашувининг 80 дақиқасида Томаш Радзискичи ўрнига майдонга тушган Уэйн Руни, кимсан Дэвид Сэммендек дарвозабонни доғда қолдириб, нафақат жамоасининг галабасини таъминлади, балки, "Арсенал"

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқини — 21.10

Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5 6 7 8 9 0